

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 486-ҳадис

486 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: نَعُوفِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَا فِي بَيْتِي مِنْ شَيْءٍ يَأْكُلُهُ ذُو كِيدٍ إِلَّا شَطْرُ شَعِيرٍ فِي رَفِّ لِي، فَأَكْلَتُ مِنْهُ حَتَّى طَالَ عَلَيَّ، فَكَلْتُهُ فَقَنَّى. مُتَفَقُ عَلَيْهِ [خ 3097، م 2973].

قوهـا «شـطـرـ شـعـيرـ» أـيـ: شـيـءـ مـنـ شـعـيرـ، گـذـا فـسـرـهـ التـرمـذـيـ.

486. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилғанларида уйимда токчамдаги озгина арпадан бошқа тирик жон ейдиган нарса йўқ эди. Ундан анча вақтгача еб юрдим, сўнг уни тортиб кўрган эдим, тугаб қолди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Аллома Ибн Аллон роҳимаҳуллоҳ «Далилул фалиҳийн» китобида: «Оиша розияллоху анҳо тортиб кўргач у кишига жазо ўлароқ арпа тугаб қолди. Чунки тортиб кўришлари Аллоҳга таслим бўлишга зид амалдир», деб айтганлар.

«Талмасоний «Шарҳуш шифо» номли китобларида қуйидаги ҳадисни келтириб, юқоридаги гапга мухолиф эмас дейдилар.

Миқдом ибн Маъдикараб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Таомларингизни ўлчанглар, сизга унда барака киритилур», дедилар».

(Имом Бухорий ривоят қилган).

Чунки Расулуллоҳ с.а.в. ундаги буюрган нарсалари, қўлга ушлашни назарда тутгандар. Ундан ташқари озгина овқатни кўпайтириш Аллоҳ таолонинг махфий сирларидандир. Сирнинг шарти махфий саклашдир. Бу ҳадисдан олинадиган фойда шуки, Аллоҳ кимга бирор каромат билан лутф-марҳамат кўрсатса, уни сир тутиб, шукрини адо қилиб, у нарсанинг миннати Аллоҳга хос эканини билаш орқали саклаб қолинади. Шунда у нарсага ўзгариш кирмайди».

Қуртубий айтадилар: «Бараканинг кўтарилишига сабаб, нафс у нарсага ҳирс кўзи билан боқиши ҳамда ғайри одатий нарсага гувоҳ бўлиб турганда сабабларга мойил бўлинганидадир. Бу нарса Баний Исроилда ҳам содир бўлган. Улар сахрода дарбадарлик пайтларида устларидан шириналлик ва беданани туширилиб: **«Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар»** (Бақара сураси, 57)-ояти нозил бўлганида, улар нафс ҳирсига бўйин эгиб, бошқа кунлар учун яшириб қўйишиди. Шу сабаб, гўштлари сасиб, овқатлари ачиб қолди».

Манба: hadis.islom.uz

